

ТОНЗИЛЛЭКТОМИЯДАН КЕЙИНГИ ҚОН КЕТИШЛАР

Нарзуллаев Н.У., Болтаев М.Ф.,

Бухоро давлат тиббиёт институти.

✓ Резюме

Режали тонзиллэктомиядан сўнг кузатиладиган қон кетиши, шошилинч ёрдамга муҳтож бўлган жиҳдий асоратга олиб келиши мумкин. Тонзиллэктомиядан сўнг кузатиладиган қон кетишида олиб бориладиган даво тактикаси қон кетиши жадаллиги ва бошқа факторларга боғлиқдир. Ушбу ишда тонзиллэктомиядан сўнг кузатилган бирламчи ва иккиласмачи қон кетишининг сабаблари таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: қон кетиши, тонзиллэктомия.

КРОВОТЕЧЕНИЕ ПОСЛЕ ТОНЗИЛЛЭКТОМИИ

Нарзуллаев Н.У., Болтаев М.Ф.,

Бухарский государственный медицинский институт.

✓ Резюме

Кровотечение, возникшее у пациента после плановой тонзиллэктомии, представляет собой серьезное осложнение, требующее оказание неотложной помощи. Тактика лечения при кровотечениях после тонзиллэктомии зависит от интенсивности кровотечения и предрасполагающих факторов. В данной работе представлен анализ причин вторичных кровотечений после тонзиллэктомии в раннем и отдаленном послеоперационном периоде.

Ключевые слова: тонзиллэктомия, кровотечение, предрасполагающий фактор.

HEMORRHAGE AFTER TONSILLECTOMY

Narzullayev N.U., Boltayev M.F.,

Bukhara State Medical Institute.

✓ Resume

Bleeding after tonsillectomy is a serious complication that requires emergency care. The tactic of treatment for bleeding after tonsillectomy depends on the intensity of bleeding and predisposing factors. The paper presents an analysis of the causes of secondary bleeding in patients after tonsillectomy.

Key words: tonsillectomy, bleeding.

Долзарблиги

Беморда тонзиллэктомиядан сўнг кузатиладиган қон кетиши, вактида адекват ёрдам кўрсатилмаса, жуда аянчли ҳолатлар ва ҳаттоқи bemorning ўлимiga ҳам, сабаб бўлади. Дунё бўйича олинган статистикада, тонзиллэктомиядан сўнг кузатиладиган қон кетишлир 0.3% дан 10% [1] гача, муаяин манбаларда эса 10% дан ортиқни ташкил этади [2]. A. Stevenson ва бошқа муалифлар АҚШ даги баъзи штатдарда олиб борган изланишларида, тонзиллэктомиядан сўнг кузатилган ўлим натижалариниг 54% и қон кетишиларига тўғри келади. Қолган тонзиллэктомиядан сўнг кузатилган ўлим ҳолатларида асосий сабаб сифатида асосан, гипоксик бузилишлар (18%), дори препараторларидан (17%), интраоперацион бузилишлар (7%) ва инфекцион асоратлар (4%) ҳисобланади [4,5]. Лекин шунга қарамай дунё адабиётлари маълумотларида тонзиллэктомиядан сўнг кузатилган иккиласмачи қон кетишилари натижасида кузатилган ўлим ҳолатлари бўйича аниқ малумотлар йўқ.

Тонзиллэктомиядан кейинги қон кетишлир бирламчи, яъни тонзиллэктомия операцияси пайтида кузатиладиган, ҳамда иккиласмачи, яъни операциядан сўнг кузатиладиганга бўлинади. Ўз навбатида, иккиласмачи қон кетишлир эрта (тонзиллэктомиядан сўнг 1-кун давомида) ва кечки (2-кун ва ундан ортиқ)[3].

Кўп ҳолларда операциядан кейинги қон кетишлир bemordagi анатомик хусусиятларга боғлиқ бўла-

ди (катта қон томирларнинг бодомсимон безнинг капсуласига яқин жойлашуви), бодомсимон безда битишма ва чандикларнинг мавжудлиги, тугалланмаган гемостаз натижаси ёки ноадекват хирургик усул, масалан, бодомсимон безнинг қисман олиб ташланishi [7]. Гемостаз мақсадида электрокоагуляторнинг ҳаддан ортиқ ишлатилиши ҳам операциядан сўнг қон кетишига сабаб бўлиши мумкин. Беморнинг кўп безовта бўлиши, йўтал, балғамини кўп туфлаш ҳам эрта қон кетишлирга сабаб бўлади.

Тонзиллэктомиядан сўнг кузатиладиган кечки қон кетишлир, кўп ҳолларда операциядан кейинги 5- ва 10-кунлар оралигига, бодомсимон без нишаларидан фибрин қобиқларнинг кўчиш пайтида кузатилади [8]. Шунга қарамасдан операциядан кейинги қон кетишлири, ўтказилган операция усулига эмас, балки bemorning индивидуал хусусиятлари, ҳамда bemor томонидан шифокор кўрсатмаларига амал қилинишига боғлиқдир. Тонзиллэктомиядан сўнг қаттиқ пархез тутиш, биринчи навбатда ёқимсиз оғриқни келтириб чиқармаслик учун бўлса, иккичи навбатда операциядан кейинги қон кетишининг олдини олиш мақсадида буюрилади. Ўртacha олганда нишалар карашлардан 10-14 кун оралигига бутунлай тозаланади. Пархезни бузиш, жисмоний зўриқиши, спорт билан шугуланиш, иссиқ душ, ҳаммом, самолётда учиш тонзиллэктомиядан кейинги қон кетиши хавфини оширади.



1 ойгача бўлган муддатда қон кетишини бир қанча омиллар келтириб чиқариши мумкин, масалан, ёш, жинси (эркак киши), ностероидли яллигланишга қарши воситалар, стероидли препаратларни доимий қабул қилиш, аёллардаги менстурал фаза, жароҳатга инфекция тушиши [6-9]. Умумий касалликлар билан бирга тонзилэктомиядан сўнг қон кетишига, биринчи навбатда қон тизими касалликлари, бундан ташқари қон-томир касалликлари, юрак, жигар, буйрак, С витамини авитаминози ва кальций этишмовчилиги ҳам сабаб бўлади.

Тиббий муолажаларнинг тури қон кетиш жадаллигига қараб буюрилади. Баъзи ҳолларда бемор қонни фақатгина сўлак билан туфлаб ташлаши, баъзи ҳолларда эса унда профуз қон кетиши кузатилиши мумкин. Бутун дунёда ишлатиладиган J. Windfuhr классификациясига кўра, тонзилэктомиядан кейинги қон кетиши қўйидаги даражаларга бўлинади: 1-даражা - хирургик аралашувга муҳтож бўлмаган қон тўхтатиш; 2-даражা - қонни маҳаллий инфильтрацион анестезия остида қонни тўхтатиш; 3- даражা - қонни умумий анестезия остида тўхтатиш; 4-даражা - ташқи уйқу артериясини боғлаш; 5-даражা - қон кетиш натижасидаги летал якуни [10].

Тонзилэктомиядан кейинги қон кетиш пайтида bemorga биринчи ёрдам кўрсатиш пайтида кўпчилик шифокорлар қон кетиш жадаллигини аниқлашда қўйналадилар. Чунки кўп ҳолларда bemorlar қонни ютиб юборишади. Бунақа bemorni зудлик билан қон кетиш жадаллигини, қон кетиш манбасини аниқлаш ва адекват ёрдам кўрсатиш мақсадида навбатчи оториноларингология бўлими стационарига, тез ёрдам бригадаси билан бирга госпитализация қилиш керак. Транспортировка пайтида қон асприациясини олдини олиш ва қон кетиш жадаллигини аниқлаш учун bemorni ён томонига ётқизиш, ҳамда бошини олдинга эгилтириш керак. Қон кетаётган томон жағости соҳасига муз халтачаси қўйилади. Қучли қон кетиш пайтида бош бармоқ билан уйқу артериясини ҳиқилдоқ ён томонидан умуртқа погонаси томонига қараб босиб турилади. Шу билан бига bemorda гемодинамикани сақлаб қолиш учун умумий инфузион гемостатик терапия ўтказилади [14].

Стационарда биринчи навбатда bemorning бодомсимон безлари нишаларини текшириш зарур. Без нишаларида кўрикни қийинлаштирадиган қон лахталари бўлса, унда уларни жуда эҳтиёткорлик олиб ташлаш керак бўлади. Лахта олиб ташлангандан сўнг қонаш манбаси кўринмаса, ҳар бир нишани тупфер билан қаттиқ босилади. Шунда қон кетиш манбаси аниқлашади ва қон томирни каутилизацияси амалга оширилади [13,15].

Маҳаллий анестезия остида қонаб турган томирни каутилизацияси фойда бермаса, ёки қонаш манбаси яхши кўринмаса, қонни интубацион наркоз остида тўхтатилади. Бу пайтда оғиз кенгайтиргич операциян майдонни яхшироқ кўришга ёрдам беради, интубацион трубканинг хаво билан тўлдирилган манжетаси эса қоннинг аспирациясини олдини олиши мумкин. Паренхиматоз қон кетиш кузатиласа, бутун нишанинг битта равоқдан иккинчи равогига қараб кўндалангига тикиб борилади. Диаметри

1,5 мм дан катта бўлган қон томирдан қон кетгандага фақатгина томирни боғлаш ёрдам беради. Агарда гемостаз яхши натижা бермаса ва bemorning ҳаётига хавф соладиган вазият юзага келса, bemor шиширилган манжетали интубацион наркоз остида қолиши керак ва кейинчалик ҳиқилдоқнинг тампонадаси қўйилиб, ташқи уйқу артерияси боғланади.

Тонзилэктомиядан сўнг қон кетиши кузатилган bemorning стационарга ўз вақтида етказилмаслиги, ҳамда етарлича муолажалар ўтказилмаслиги bemorning ўлими билан тугаши мумкин [11,12]. Бу ҳолатни айниқса bemorni операциянинг 1-2 чи кунида уйига жавоб бериладиган клиникалардаги хирурглар инобатга олиши зарур. Иккиласи қон кетиши профилактикасини амалга ошириш учун, bemorning барча индивидуал ҳолатини инобатга олиш, қон кетишига мойиллиги бўлган bemorlarни эса қаттиқ назорат остига олиш зарур.

Илмий тадқиқот мақсади: Оториноларингология клиникасида режали тонзилэктомия амалга оширилган bemorlarда, операциядан кейинги қон кетишилар сабабини таҳлил қилишдан иборат.

Материал ва усуслар

БВКТМ Оториноларингология бўлимида 1 октябр 2019 йилдан 4 декабр 2019 йилгача режали икки томонлама тонзилэктомия ўтказилган bemorlarning касаллик тарихининг ретроспектив анализи ўтказилди. Бу вақт мобайнида БВКТМ Оториноларингология бўлимида 387 та тонзилэктомия ўтказилди. Булардан 340 тасида гемостаз учун одатий, яъни электрокоагулятор ишлатилди. 47 тасида эса - яrimуткаузчили, тўлқин узунлиги 970 nm бўлган лазерли тонзилэктомия ўтказилди. Барча тонзиллэктомиялар маҳаллий (n=43) ёки умумий (n=344) анестезия остида ўтказилди. Барча bemorlar цефалоспорин гуруҳи препаратларини парентерал қабул қилишди. Ностероидли яллигланишга қарши воситалар bemordagi оғриқ даражасига қараб буюрилди. Таҳлил олиб борилган bemorlarда қон тизими билан боғлиқ касалликлар кузатилмади.

Натижা ва таҳлиллар

Ўтказилган 387 та тонзилэктомия орасида томирларни боғлаш ёки тикишга эҳтиёжи бўлган ва шу билан операция давомийлигини узайтирадиган бирламчи интраоперацион қон кетишилар кузатилмади. 387 та ўтказилган тонзилэктомиядан 17 тасида (4,39%) операциядан кейинги қон кетиши кузатилди. Тонзилэктомиядан кейин қон кетиши кузатилган bemorlarning ўртача ёши

33 ёш (min = 22 ёш, max = 45 ёш). Жинслар ҳисобида эса: эркакларда - 59%, аёлларда - 41%. 5 та bemorda (29%) буйрак ва юрак билан боғлиқ муаммолари бўлган. Операциядан кейинги фақатгина тана ҳарорати 37,1°C дан юқори бўлган bemorlarда қайд этилди. Шунда 9 та bemorda (53%) тана ҳарорати кўтарилиши қайд этилди.

Операциядан кейинги қон кетиши кузатилган 17 та bemorning барчасида жарроҳлик амалиёти умумий анестезия остида ўтказилган. Маҳаллий анестезия ос-

Режали икки томонлама тонзиллэктомия ўтказилган беморларда қон кетиши даври

Қонаш тури		Давр	Беморлар сони
Бирламчи қон кетиши		Тонзиллэктомия пайтида	0
Иккиламчи қон кетиши	Эрта қон кетиши (операциянинг 1-кунида) Кеч қон кетиши (операциянинг 2-кунида ёки ундан кейин)	Операциядан 11 кун кейин	1
		Операциядан 1 кун кейин	1
		Операциянинг 2-куни	1
		Операциянинг 5-куни	1
		Операциянинг 6-куни	2
		Операциянинг 7-куни	2
		Операциянинг 8-куни	2
		Операциянинг 9-куни	1
		Операциянинг 10-куни	2
		Операциянинг 12-куни	1
		Операциянинг 15-куни	1
		Операциянинг 21-куни	2

тида ўтказилган тонзиллэктомиянинг ҳеч бирида қон кетиши кузатилмади.

Операциядан кейинги қон кетиши кузатилган барча bemорларда гемостаз стандарт электрокагулятер ёрдамида ўтказилди (15 тасида - биполяр, 2 тасида монополяр). Лазерли тонзиллэктомия ўтказилган ҳеч қайси bemорда қон кетиши ҳолатлари кузатилмади.

Тонзиллэктомиядан кейинги қон кетиши даври турлича бўлди ва бу натижалар 1-жадвалда келтирилди.

J.Windfuhr классификацияси бўйича, биринчи даражали қон кетиши - 76%, иккинчи даражали даражали - 18% ва учинчи даражали 6% (2 жадвал).

J.Windfuhr классификацияси бўйича

Беморларни қон кетиши жадаллиги бўйича тақсимлаш		
Қонаш даражаси	Беморлар сони	
	абс. Сон	%
1	13	76
2	3	18
3	1	6
4	0	0
5	0	0

13 та ҳолатда (76%) тонзиллэктомиядан кейинги қон кетиши мустақил тўхтади (босим, умумий гемостатик терапия (аминокапрон кислотаси, этамзилат), 4 нафар bemорда (24%) қон кетиши хирургик йўл билан тўхтатилди: 3 та bemорда маҳаллий анестезия остида, биттасида умумий анестезия остида. Ҳеч бир ҳолатда ташки уйқу артериясини боғлашга эҳтиёж кузатилмади.

Эркакларда қон кетиши аёлларга нисбатан кўп кузатилиди деб ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотимизда 17 нафар bemор орасидан, 10 нафар эркакларда (59%) ва 7 нафар (41%) аёлда кузатилди. Бу халқаро маълумотларга мос келади. Аёлларнинг 7 нафаридан 2 нафарида (29%) фибрин карашларнинг кўчиши менстурал циклнинг менстурал фазасига тўгри келди ва бу

қон кетиши ҳолати пайдо бўлиши мумкинлигидан дарак берарди. Айнан шунинг учун аёлларда тонхиллэктомияни режалаштираётган пайтда бодомсимон без нишаларидан фибрин карашлар кўчиши даври менстурал циклга тўгри келмаслигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Маълумотларга кўра, бутун дунёда bemорнинг ёши қанчалик катта бўлса, қон кетиши эҳтимоли шунчалик юқори бўлади деган фикр мавжуд [2,6,7]. M.K. Kim ва ҳаммуаллифлар ўтказган статистик тадқиқот натижасига кўра, 65 ёшдан юқори бўлган bemорларда қон кетиши хавфи энг юқори [6]. Бу bemорнинг ёши ошиши билан, унда кузатиладиган ҳамроҳ касалликлар ҳам кўпайиши билан боғлиқ. Ҳамроҳ касаллиги бор bemорлар турли хил дори воситалари (гипотен-



зив, антикоагулянт, дезагрегант, кортикостероидлар, НЯҚдори воситалари) қабул қылади ва бу ўз-ўзидан тонзиллэктомиядан сүнг иккиламчи қон кетишга мойиллик яратади. Бизнинг маълумотга кўра, тонзиллэктомиядан сүнг қон кетиш кузатилган бемор ёши 33 ёшни ташкил этди. Ёши энг катта бемор эса 45 ёшда. У ёшлигида икки томонлама тонзиллотомияни ўтказган, аммо яхши натижага эришмаган.

Бу ҳолатда жарроҳлик амалининг вақтини узайишга олиб келган ҳолат bemorning ёши эмас, балки унинг ёшлигида ўтказган тонзиллотомия натижасида ниша атрофидаги лимфоид тўқимада юзага келган кўпол чандиқли ўзгаришлардир. Нафақат ёши катта bemorлардан, балки ёш bemorлардан ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Чунки улар тонзиллэктомиядан сүнг тезда фаол ҳаёт тарзига қайтиб, парҳез ва чекловларни унтишади. Умумий анестезия остида тонзиллэктомия ўтказилган bemorларнинг барчасида, операциядан кейин адекват гемостаз ўтказилди ва нишалар яхшилаб текширилди. Маҳаллий анестезия остида тонзиллэктомия ўтказилган bemorларимизнинг ҳеч қайсида операциядан кейинги қон кетиш кузатилмади. Шунинг учун биз баъзи адабиётларда келтирилган умумий анестезия остида ўтказилган тонзиллэктомиядан сүнг, операциядан кейинги қон кетиш эҳтимоли пасайди деган фикрни таъкидлай олмаймиз [2,7].

Барча тонзиллэктомияларда электрокоагулятор ишлатилди (биполяр ва монополяр). 17 та bemordan 2 тасида (12%) монополяр коаугулятер ишлатилди. Адабиётларда айтилишича монополяр электрокоагулятор ишлатилиши кечикирилган қон кетишига олиб келади [2,4].

Тонзиллэктомиядан сүнг 53% bemorлarda цефалоспорин гуруҳига мансуб антибиотик қабул қилишига қарамай тана ҳарорати кўтарилиди. Бу операциядан кейин нишаларнинг бетта лактамга тургун бактериайл флора билан заарланишидан дарак беради. Бу заарланиш томир деворлари эрозиясига ҳамда шу билан кечки қон кетишига сабаб бўлиши мумкин [2].

Операциядан кейин асоратларга олиб келиши мумкин бўлган ҳамроҳ касаллуклари бор bemorлар 5 тани (29%) ташкил қилди. Улардан 3 таси буйрак томонидан оғир бузилишлар (2 тасида Ig A-нефропатия, биттасида сурункали буйрак касаллиги), 2 таси юрак патологияси бор bemorлар. Барча ҳолатларда bemorлар нефролог ва кардиолог кузатувида бўлиб, касаллигига мос равишида дори қабул қилиб туриши. Юрагида хасталиги бор bemorлarda қон кетиши артериал босим ошиши билан боғлиқ бўлди. Bemorлarda метатонзилляр асоратлар бўлиши операциядан кейинги қон кетиш хавфини оширади [2,6,12]. Бизнинг текширувимизда 2 та (12%) bemorda қон кетиш сабаби парҳезни қаттиқ бузиш билан боғлиқ бўлди. 4 та ҳолатда эса қон кетиш йутал фонида келиб чиқди.

Хулоса

Шундай қилиб, тонзиллэктомия жарроҳлик амалини режалаштирилаётган пайтда қон кетиш ҳолатлари юзага келиши мумкинлиги ҳисобга олиниши керак. Қон кетишига мойиллиги бор bemorларни мумкин қадар кўпроқ назорат остига олиш ва госпитализация муддатини узайтириш керак. Аёлларда тонзиллэктомияни режалаштирганда, карашларнинг кўчиш пайти менстурал фаза билан тўғри келмаслигини инобатга олиш керак.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Белякова А.А. Хирургическое лечение хронического тонзилита: обзор современных методов: обзор: научное издание/ А.А. Белякова// Вестник оториноларингологии. - М., 2014. - N5. - С.89-93. - Библиогр.: 56 назв. Аннотация: Рассмотрены вопросы показания к тонзиллэктомии, проанализирована частота вмешательств при хроническом тонзилите.
2. Davydovskij A., Pesockaya M. Analiz riska razvitiya krovotечений после тонзиллэктомий // Медицинский журнал. 2011. № 2. [Davydovskij A., Pesockaya M. Analiz riska razvitiya krovotечений posle tonzillehktomij. Medicinskij zhurnal, 2011, N2. (in Russ)].
3. Крюков А.И. Консервативная терапия и хирургическое лечение хронического тонзилита у детей: научное издание/ А.И. Крюков, А.Ю. Ивойлов[и др.]// Вестник оториноларингологии. -М., 2013.- N4. - С. 15-20.-Библиогр.: 25 назв. Аннотация: Изучена статистика методов лечения хронического тонзилита у детей.
4. Ryabova M. A., Posobilo E. E., Agrba A. I. et al. K вопросу о показаниях к тонзиллэктомии // Folia Otorhinolaryngologiae et Pathologiae Respiratoriae. 2017. T. 23. P. 65-72. [Ryabova M. A., Posobilo E. E., Agrba A. I. et al. K voprosu o pokazaniyah k tonzillehktomii. Folia Otorhinolaryngologiae et Pathologiae Respiratoriae. 2017, Vol. 23, pp. 65-72 (in Russ.)].
5. Czarnetzki C., Elia N., Lysakowski C. et al. Dexamethasone and risk of nausea and vomiting and postoperative bleeding after tonsillectomy in children: a randomized trial // Jama. 2008. Vol. 300. P. 2621-2630.
6. Gysin C., Dulguerov P. Hemorrhage after tonsillectomy: does the surgical technique really matter? // ORL; journal for oto-rhino-laryngology and its related specialties. 2013. Vol. 75. P. 123-132.
7. Howells R. C., Wax M. K., Ramadan H. H. Value of preoperative prothrombin time/partial thromboplastin time as a predictor of postoperative hemorrhage in pediatric patients undergoing tonsillectomy // Otolaryngology - head and neck surgery: official journal of American Academy of Otolaryngology-Head and Neck Surgery. 1997. Vol. 117. P. 628-632.
8. Kim M. K., Lee J. W., Kim M. G. et al. Analysis of prognostic factors for postoperative bleeding after tonsillectomy // European archives of oto-rhino-laryngology: official journal of the European Federation of Oto- Rhino-Laryngological Societies (EUFOS): affiliated with the German Society for Oto-Rhino-Laryngology - Head and Neck Surgery. 2012. Vol. 269. P. 977-981.
9. Koh S. C., Prasad R. N., Fong Y. F. Hemostatic status and fibrinolytic response potential at different phases of the menstrual cycle // Clinical and applied thrombosis/hemostasis: official journal of the International Academy of Clinical and Applied Thrombosis/ Hemostasis. 2005. Vol. 11. P. 295-301.
10. Krishna P., Lee D. Post-tonsillectomy bleeding: a meta-analysis / / The Laryngoscope. 2001. Vol. 111. P. 1358-1361.
11. McClelland L., Jones N. S. Tonsillectomy: haemorrhaging ideas // The Journal of laryngology and otology. 2005. Vol. 119. P. 753-758.
12. Thimmasettaiah N.B. Сравнительное исследование эффекта пре-, интра- и постоперационного введения стероидов(дексаметазона sodium фосфата) на течение послеоперационного периода при хроническом тонзилите: научное издание/ N.B. Thimmasettaiah, R.G. Chandrappa // Вестник оториноларингологии. - М., 2013.- N5. - С.98
13. Tuchtan L., Torrents J., Lebreton-Chakour C. et al. Liability under post-tonsillectomy lethal bleeding of the tonsillar artery: a report of two cases // International journal of pediatric otorhinolaryngology. 2015. Vol. 79. P. 83-87.
14. Windfuhr J., Seehafer M. Classification of haemorrhage following tonsillectomy // The Journal of laryngology and otology. 2001. Vol. 115. P. 457-461.
15. Windfuhr J.P. Serious complications following tonsillectomy: how frequent are they really? / ORL; journal for oto-rhino-laryngology and its related specialties. 2013. Vol.75. C.166-173.

Келиб тушган вақти 09.10. 2020